



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

02 Зиммамизда улкан масъулият бор

05 Натижалар хотиржамликка асос бўлмаслиги керак



07 «КАТТА» БИЗНЕС

2014 ЙИЛ 6 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА, 05 (533)-СОН

e-mail: axborotXXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЙИГИТЛАР

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддас ҳарбий хизматга навбатдаги қақирув ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ муқаддас ҳарбий хизматга қақирув бошланди. Тиббий кўрик, синов ва танловлардан муваффақиятли ўтган йиғитлар ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатишмоқда. Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси қақирув пунктида бўлиб ўтган тантанали кузатиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фохрийлар ҳамда қақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

2 >>>

Сарҳисоб

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Сирдарё вилоятида 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими О.Ашурматов бошқарган йиғилишда 2013 йилда вилоят иқтисодиётини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 17 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. 2013 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоиз, жумладан, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоиз, капитал қўйилмалар ҳажми 8,1, чакана савдо 15,7, пуллик хизмат 14,8 фоизга ўсгани қайд этилди. Экспорт ҳажмининг ўсиши 45 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида вилоятда 745 янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 6 минг 800 тага етди. 25 минг 800 янги иш ўрни яратилди. Йиғилишда айрим соҳаларда йўл қўйилган камчиликлар, имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани танқид қилиниб, атрофлича таҳлил этилди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, фармацевтика, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА).

Парламент сўрови

О'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, оилавий қорхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, уларнинг солиқ тўловлари ва коммунал инфратузилмадан фойдаланишдаги имтиёзларини амалда таъминлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар хусусида Давлат солиқ қўмитаси, «Ўздавэнеггозорат» инспекцияси ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигига парламент сўрови юборилди

Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ислохотлар муваффақияти, авваламбор, мамлакатни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саноат-харакатлар суръати, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, уларнинг масъулиятли ваколатларини ўз зиммасига олишга қанчалик тайёр эканига бевосита боғлиқлиги алоҳида таъкидланган эди. Айнан ана шу талаблар асосида фаолият кўрсатишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси нафақат қабул қилинаётган қонунларда электорат манфаатини инодалаш, балки мазкур ҳужжатлар ижросини катъий назорат қилиш, бу



Солиқ қўМИР олган сурат

боранда келиб чиқаётган айрим муаммоларга ечим топишга ҳам жиддий

эътибор қаратмоқда. Депутатлик назоратининг самарали институтла-

ридан бири бўлган парламент сўрови ҳам худди шу нуқтаи назардан тайёрла-

ниб, тегишли ташкилотларга юборилди.

3 >>>

Худудий кенгашларда

Ишчи гуруҳлари фаолиятидан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Аввал хабар қилинганидек, О'zLiDeP янги йилда ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР БИЛАН ЖОЙЛАРНИНГ ЎЗИДА ТАНИШИШ МАҚСАДИДА МАХСУС ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ ТУЗИБ, ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, иқтисодчилар, тажрибали тадбиркор ва фермерлардан иборат гуруҳ аъзо-

ларининг танлаб олинган 13 та туман ва шаҳардаги фаолият натижалари бу тажрибани кенг ёйиш, вилоят кенгашлари ишида самара-

ли фойдаланиш лозимлигини кўрсатди. Мана, бир мисол: долзарб мавзулар муҳокама этилган учрашувлардан кейин қўллаб юрдош-

ларимиз О'zLiDeP санига кириш учун худудий партия ташкилотларига мурожаат қилган.

4 >>>

«Ёшлар қаноти»

«Агар мен депутат бўлсам...»

Тошкентда «Агар мен депутат бўлсам...» кўриктанловининг 2013 йилги ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

2008 йилдан буён изчил ташкил этилаётган мазкур танлов янги авлод вакиллари кўриги аниқлашга қаратилган билан ҳам на-вқирон авлод вакиллари эътиборини тортмоқда.

нинг фаол иштирок этишлари қўмлашга қаратилгани билан ҳам на-вқирон авлод вакиллари эътиборини тортмоқда.



Солиқ қўМИР олган сурат

4 >>>

Салоҳиятли кадрлар билан ишонч мустаҳкамланади

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир» деб номланган дастурий маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партиялар родини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислох қилиш ва модернизациялаш бўйича стратегик вазибаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омил экани, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қодир партиягина эл ишончини қозона олишига алоҳида эътибор қаратилди

О'zLiDeP томонидан жойларда ташкил этилаётган очик мулоқотларда ҳам ана шу маърузада белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси, партия фаолиятида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар атрофлича таҳлил этилиб, партия кенгашлари ва депутатлар олдига турган вазифалар таҳлил қилинмоқда. — Шу кунгача партия ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ўртасидаги Бош битим доирасида худудларда қишлоқ мулкдорлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф

этиш ҳамда худудий партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 450 та мулоқот ва учрашув ўтказилди, — деди Қарши шаҳрида ташкил этилган учрашувда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Солиқжон Турдиев. — Партия фаоллари қорхона, ташкилот ва муассаса, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжалиқларида бўлиб, дастурий мақсадларимизни кенг тарғиб қилмоқдалар. Натижалар янги-янги тақлифлар ишлаб чиқилиб, умумлаштирилмоқда.

2 >>>

Қарор ва ижро

Жамғарманин амалий ишлари — тадбиркорга мадад

Президентимиз қарори асосида ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» вилоятларда ҳам тадбиркорлар ишончини қозонапти

— Асосий мақсадимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажминини янада кенгайтиришга қўмаклашиш орқали уларга замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, уни экспорт қилишда ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборат, — дейди жамғарманин Самарқанд вилоят филиали директори Сухроб Ҳалимов.

2 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 4 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

1 Австралия доллари	1933,25	1 АҚШ доллари	2209,68	1 Хитой юани	364,63	1 Туркия лираси	978,17	10 Япония иенаси	215,87
1 Англия фунг стерлинги	3629,84	1 Миср фунги	317,41	1 Малайзия рингити	660,50	1 Швейцария франки	2435,71	1 Россия рубли	62,81
1 Дания кронаси	399,59	1 Исландия кронаси	19,06	1 Польша злотийси	702,04	1 ЕВРО	3009,93	1 Украина гривнаси	276,45
1 БАА дирҳами	601,62	1 Канада доллари	1988,37	1 СДР	3390,09	10 Жанубий Корея вон	20,40		

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ўтган йили партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идораларга йўлланган 2872 та депутатлик сўровининг 1603 таси, 681 нафар мансабдор шахс ҳисоботининг 158 таси ҳамда 315 мартаба ўтказилган назорат-таҳлил текширувнинг 136 таси айнан БПТлар ташаббуси билан кўтарилган масалаларга оиддир.



Тадбиркор сифатида биз ҳам О`zLiDeP сафида бўлишга қарор қилдик.

Қуйи ташкилотларнинг аҳолига нечоғли яқинлигини амалда намоён этиши барчамизни янада қатъият билан ишлашга даъват этмоқда.

05 (533)-сон, 6.02.2014 йил, пайшанба

МУҲИМ СИНОВ АРАФАСИДАМИЗ

Поплик 490 нафар О`zLiDeP асосини бирлаштирган 45 та бошланғич ташкилот фаоллари тадбиркорлик ва ишбилармонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётган муҳим ҳужжатлар моҳияти, партия гоёлари ҳамда Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни кенг тарғиб этмоқдалар.



— Масалан, «Поп тумангаз» бўлими. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази, маданият ва спорт ишларининг туман бўлимлари, «Агробанк» филиалида иш олиб бораётган БПТлар депутатлик гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ижобий ҳал этишда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. — дейди партия туман кенгаши консултанти Адиба Алиёрова.

Гўзал Хусанова етакчилик қилаётган БПТ эса Моҳиғул Валижонова, Нарғиза Йўлдошева, Гулсиной Кимсанова, Мактуба Каттахўжаева каби фаоллар билан бирга аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— 2014 йилда бошланғич ташкилотлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, эришилган ютуқларни оммалаштириш, фаолликни кучайтиришга ҳам аҳамият қаратаёلمиз, — дейди Г.Хусанова. — Чунки жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар яна бир карра имкониятларимизни синодан ўтказди. Ана шу ўта жиддий имтиҳон партиямиз, жумладан, қуйи ташкилотларнинг ҳам аҳолига нечоғли яқинлигини амалда намоён этиши барчамизни янада қатъият билан ишлашга даъват этмоқда.

АСАКАЛИК АЁЛЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

«Агробанк»нинг Асака туман филиалида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари «Қишлоқ аёлларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— О`zLiDeP Асака туман кенгаши мутасаддилари қатнашган тадбирда аёллар ташаббуси билан оилавий корхоналар очилиши ҳамда бу борадаги айрим муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш хусусида ҳам келишиб олдик. — дейди БПТ раиси Ихтиёр Низомов. — Шунингдек, давра суҳбатида О`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида коллеж битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, улар томонидан аҳоли бандлиги таъминлиниши каби масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

«AFRI»ГА О`ZLIDEP КИРИБ КЕЛДИ



Урганч туманидаги Файбу қишлоғида фаолият юритаётган «AFRI» хусусий корхонасида ташкилот раҳбари Илҳом Аллаберганов ташаббуси билан 10 нафар партия аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилот тузилди.

— Бугун сиёсий партиялар фаолиятига қаратилган эътибор тобора кучаймоқда. — дейди биз билан суҳбатда И.Аллаберганов. —

Тадбиркор сифатида биз ҳам О`zLiDeP сафида бўлишга қарор қилдик. Корхонамиз таркибига йод моддаси қўшилган ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мақсадимиз ҳудудда йод танқислиги асоратларини бартараф этишга ҳисса қўшишдир.

Б.БАКТУРДИЕВ,

О`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши масъул ходими.

ТАДБИРКОРГА ҲАМ, ПАРТИЯГА ҲАМ ҚИЗИҚИШ ЮҚОРИ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида фаолият юритаётган «Агрегат заводи» ОАЖда қуйи бўғин иш бошланди.

— О`zLiDeP сафида бўлиш истагини билдираётганлар сони кун сайин ортаётгани бежиз эмас, — дейди БПТ етакчилигига сайланган А.Сайфуллаев. — Чунки тадбиркор ва ишбилармонлар иқтисодиётимизнинг асосий таянчига айланганидан кейин улар манфаатини ифода этаётган сиёсий кучга бўлган қизиқиш ҳам шунга яраша ортамоқда. О`zLiDeP эса айнан ана шу фаол ва илғор ижтимоий қатлам манфаатларини ифодалаётди.

Ўз муҳбиримиз.

Бир ҳовуч дур

«Бизнес сабаб пайдо бўлган дўстлик, дўстлик баҳонасида ташкил этилган бизнесдан яхшироқдир».

Жон Дэвисон Рокфеллер.

САРҲИСОБ:

Натижалар хотиржамликка асос бўлмаслиги керак

О`zLiDeP мамлакат сиёсий майдонига кириб келганидан буён юртдошларимиз онгу тафаккурини бойитиш, уларда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш жараёнида фаол иштирок этипти. Бунда асосан бошланғич ташкилотларга таянилаётгани бежиз эмас. Чунки мазкур тузилма электорат ва сайловчилар орасида, аҳоли турли қатламлари билан юзма-юз иш олиб борувчи муҳим бўғиндир

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Яқунланган йилни сарҳисоб қилар эканмиз, БПТлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳар чоракда атрофича таҳлил қилиниб, тегишли ҳулосалар тайёрлангани ҳамда ҳар бир қуйи бўғиннинг ташкилий, мафкуравий, сиёсий нуқтаи назардан му-

ларни ўз вақтида бартараф этиш имкониятини кенгайтирди. Қуйи бўғинларнинг муаммоли масалалар юзасидан юқори партия ташкилоти ҳамда депутатларга таҳлилий материал ва таклифлар тақдим этиши, лозим топилганларини депутатлик гуруҳлари муҳокамага киритиш тизими ҳам тобора такомиллашиб бораётган. Ижрония кўмитанинг ўтган йил февраль ойида «БПТлар томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни

О`zLiDeP уставидан

«ҚУЙИ ТУЗИЛМАЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМДОН, СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАЙЁРГАРЛИККА, МАМЛАКАТДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАРГА ЭҒА БЎЛГАН, ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ ВА БОШҚА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШГА ҚОДИР, ОБРЎЛИ ВА ЖОНКУЯР ШАХЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА БИРЛАШИШИДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ».

каммаллигига эришиш учун изчил чора-тадбирлар амалга оширилганини қайд этиш лозим. Шунингдек, кўрилган чора-тадбирлар асосида етакчилар ва фаоллар билан амалий мулоқотлар уюштирилгани ҳам ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишда муҳим аҳамият касб этди. Айни йўналишда 2013 йили 800 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, уларда 31 мингга яқин партия аъзоси қатнашди. Ташаббускор, иқтисодий фаоллардан 835 нафари О`zLiDeP кадрлари захирасига олинди.

Шу ўринда БПТларнинг электорат вакилларини ташвишлантираётган масалалар юзасидан мониторинг олиб бориб, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда уларни ҳал этишга кўмаклашувчи кучга айланаётгани ҳам эътиборга моликдир. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатларидан 2190 нафарининг қуйи ташкилотларга бириктирилгани эса мавжуд камчилик-

ўрғаниш ва уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш тўғрисидаги қарори бу борада муҳим роль ўйнади, дейиш мумкин. Рақамлар тили билан айтганда, ўтган йили партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идораларга йўлланган 2872 та депутатлик сўровининг 1603 таси, 681 нафар мансабдор шахс ҳисоботининг 158 таси ҳамда 315 мартаба ўтказилган назорат-таҳлил текширувнинг 136 таси айнан БПТлар ташаббуси билан кўтарилган масалаларга оид. Ушбу кўрсаткичлар 2012 йилга нисбатан қарийб 50 фоиз зиёددир.

Амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигига узвий боғлиқлигини назарда тутиб, қуйи бўғинлар ташаббуси билан ўтказилаётган оммавий-сиёсий тадбирлар нечоғли муҳим эканига яна бир бора ишонч хосил қиламиз. Мисол учун, ўтган йилги тадбирларда электорат ман-



фаатлари ифодаланган 500 га яқин асосли таклиф олинди, партия юқори органларига тақдим этилди.

Шу ўринда ўтган йили бошланғич ташкилотлар сони 91 тага кўпайиб, жами 7828 тага етганини таъкидлаш лозим. Эътиборлиси, 6756 та қуйи бўғин 5 нафардан 29 нафаргача аъзони бирлаштирган кичик тузилмалар тоифасига кириди. Бу эса уларнинг ҳаракатчанлиги, уюшқоқлиги, ижронинг тезкорлигини таъминлайди.

Лекин бу билан ўтган йили жойлардаги партия ҳудудий кенгашлари бирдай фаол иш олиб бордилар, деган фикрдан йироқмиз. Масалан, Навоийда 39 та янги БПТ ташкил этилгани ҳолда Андижон ва Сурхондарё вилоятларида қуйи ташкилотлар сонига мутлақо ўсиш кузатилмади...

— Қуйи бўғинлар сонини ошириш ягона, бирдан-бир мақсад эмас, — дейди О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижрония кўмитаси сектор муdiri Бахтиёр Аҳмедов. — Бироқ мулкдорлар ўртасида партия дастурий мақсад ва гоёларини кенг тарғиб этиш, О`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар моҳиятини жамоатчиликка етказиш сиёсий мавқеимизни мустаҳкамловчи асосий омил экани инобатга олинса, масаланинг нақадар долзарблиги ойдинлашади.

Шу бос эътиборни кўпроқ БПТ етакчилари фаоллигини оширишга қаратаймиз. Чунки талай БПТ раисларида партия фаоли учун мисоли сув билан ҳаводек зарур бўлган айрим ҳислатлар, хусусан, журъат ва ташаббускорлик етишмапти. Ваҳоланки, шижоаткор бўлиш, ташаббус кўрсатиш билангина кўзланган мақсадлар рўёбига эришиш мумкин. Шу маънода О`zLiDeP махсус ишчи гуруҳларининг ташаббус олиган туман ва шаҳарлардаги фаолияти ҳаммамиз учун бирдек ибрат бўлди. Ўтказилган мониторинг ҳулосаларидан келиб чиқиб, фақат ва фақат реал ишлар, амалий натижалар билангина сайловчилар ишончига сазовор бўлишимиз мумкинлигига яна бир карра амин бўлдик.

Бошланғич ташкилотларнинг шу ойдан бошлаб ўтказилган навбатдаги ҳисобот-сўлов йиғинликлари ана шундай камчиликларни бартараф этишга қаратилди.

Мухтасар айтганда, партиянинг куч-қуввати, салоҳияти бевосита бошланғич ташкилотларга боғлиқ. Шу бос О`zLiDeP қуйи бўғинлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг электорат билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йилда БПТлар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишга киришди.

Зиёдулла МҲМИНОВ.

ИРМОҚЛАРДАН — ДАРЁЛАРГА

— Ўтган йили Чиноз туманида О`zLiDePнинг 536 нафар аъзоси бўлса, жорий йилнинг январь ойида улар сони яна 25 нафарга кўпайди, — дейди туман кенгаши раиси ўринбосари Пайзулла Тожиқулов. — Айниқса, фермерлар, тадбиркорлар, ўқитувчи ва талабалар, ҳатто ўз хонадонда деҳқон хўжалиги ташкил этганлар ҳам сафимизга қўшилиш истагини билдиришмоқда. Бошланғич ташкилотлар сони ҳам ўтган йилга нисбатан ортиб, 38 тага етди. Сафимизга эса кўпроқ ёшлар қўшилаётгани ишимизга янгича ёндашувлар, қарашлар, ёшларга хос шижоат, жадалликни олиб кирмоқда.

Янги авлод вакилларининг йирик тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилаётгани ҳам уларнинг дарёларга интилаётган ирмоқлар эканидан далолатдир.



ЯНГИЛИК ВА АХБОРОТЛАР БИЛАН
ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ҲАМ
ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН: WWW.21ASR.UZ

Банк тизимига ишонч ортяти

Истиқлол йиллари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, қўлай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнида банк тизимида ҳам хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг мукамал тизими яратилдики, буни айни пайтда халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар

Ўз мухбиримиз

— Ўзбекистон банк тизимида қўлга киритилган натижалар, тижорат банклари фаолияти билан бевоқиф танишиш пайтида молиявий ва макронотиқсий барқарорлик, инвестициялар ва аҳоли жамғармалари ҳажмининг йил сайин кўпайиб бораётганига гувоҳ бўлдим, — дейди «Fitch Ratings» рейтинг агентлиги Бош директори Александр Данилов. — Бу, шубҳасиз, банк тизимининг ҳукумат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланаётгани ва Марказий банкнинг самарали назорат ўрнатгани натижасидир. Умуман олганда, Ўзбекистонда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шioriга қатъий амал қилинаётгани натижасида ёш тадбиркор ва ишбилармонлар учун қўлай бизнес муҳити яратилгани тахсинга лойиқ. Компаниямиз мутахассислари томонидан эса бундай масалаларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шу ўринда Ўзбекистон қисқа фурсат ичида миллий банк тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш олганини эътироф этиш жоиз. Зеро, бошқа давлатларнинг тижорат банклари билан Ўзбекистон банк тизимини қиёслаганда жуда катта устуворлик сезилади. Бунга, шубҳасиз, давлатнинг раҳбари томонидан ушбу

тизимни изчил ривожлантириш борасида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, дастурлар асосий омил бўлмоқда.

— Барча ҳудудларда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, айниқса, касб-хунар коллежларини битирган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш масалаларига банк мутасаддилари алоҳида эътибор қаратмоқдалар, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов. — Бунда, айниқса, ёшлар, тадбиркор ва фермерлар учун жойларда амалий учрашувлар ташкил этилаётгани яхши самара бераётган. Эътиборлиси, ана шу мулоқотларда Бош прокуратура, «Камолот» ЕИХ, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг мутасадди ходимлари томонидан тадбиркорларга яратилган имтиёз ва преференциялар ҳақида апрофича тушунчалар берилаяпти.

— Корхонамизни ривожлантириш ва фаолиятини йўлга қўйишда банк кредитлари муҳим роль ўйнаганини таъкидламоқчиман, — дейди Олтиариқ туманидаги «Манзурабегим Салтанат» хусусий корхона раҳбари Манзурабегим Файзиматова. — «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Марғилон филиалидан олинган 45 миллион сўмлик кредит эвазига «Совлом аёл



маркази» мажмуасини бунёд этдик. Навбатдаги 20 миллион сўмлик кредит маблағи эса марказини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга сарфланди. Айни кунда «Тренажёр зал», «Келинлар либослари саломи», «Ўзалик сало-

ни», «Массаж хонаси» опансингиларимиз хизматиди. Хусусий корхонамиз ишга туширилиши натижасида 6 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Ҳа, чиндан ҳам банк тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли исло-

хотлар бугун реал натижалар бермоқда. Энг асосийси, бундан аҳоли фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлаётган тадбиркор ва ишбилармонлар, қишлоқ мулкдорлари унумли фойдаланмоқдалар.

ТАДБИРКОР, ИШБИЛАРМОН ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган масалалар юзасидан бир қатор мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ҳар ойда икки марта тўғридан-тўғри мулоқот уюштиришни режалаштирди.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, Сиз қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан муурожаат қилишингиз мумкин.

Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятига қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳа фаолиятини янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоли масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари **Улуғбек Мустафоев**, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси **Алишер Шайхов**, «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси **Абдихаҳоб Тамикаев**, Ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банки» қошида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори **Жаҳонгир Мустафоев** сингари мутасадди идоралар раҳбарлари таклиф этилади.

Биринчи мулоқот 2014 йилнинг 14 февралда (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида соат 16.00 да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Жаҳонгир Мустафоев жавоб қайтаради. Умид қиламизки, мулоқотда таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига доир ҳаётини масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

**(+998 71) 281-42-08,
281-40-17, 215-63-80.**

Электрон почта: XXI_ASR@mail.ru

Сўранг, жавоб берамиз!

МЕНДА САВОЛ БОР!

0'zLiDeP Пискент туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини соғлом ва обод турмушининг муҳим шартидир» мавзусида семинарда 100 нафардан ортиқ ёш қатнашди. Тадбирда Давлат солиқ инспекцияси, Фермерлар кенгаши, «Микрокредитбанк»нинг Пискент бўлими ходимлари эндигина бизнесга қўл ураётган ёш ишбилармонларнинг қўллаб-қувватлаш саволларига жавоб қайтардилар. — Туманимизнинг чекка қишлоқларидан келиб коллежда таҳсил олаётган ёшларнинг талабалик давридаёқ ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётганидан қувониб керак. — дейди халқ депутатлари туман кенгаши депутати Абдунаби Умаров. — Улар бугун ўз қишлоқларида аҳолига пуллиқ хизмат кўрсатиш, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш буйича бизнес-режалар тайёрламоқдалар.

Зиёдулла МҮМИНОВ.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» самаралари

Тахлилчилар ўтган йили мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисалари 1,3 фоиз, тан жароҳати олганлар сони эса 4 фоиз, «ҲАРАКАТ хавфсизлиги ойлиги» давомида эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 2,1 ҳамда 2,3 фоизга камайганини таъкидламоқдалар

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида ўтказилган маъбуот анжуманида журналистларга ана шундай маълумотлар берилди.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 декабрдаги «Ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисидаги фармойишни асосида ташкил этилган тадбирлар доирасида жами 40026 та учрашув ва суҳбат ўтказилгани, шундан 9295 таси маҳалалар, 9081 таси меҳнат жамоалари, 8446 таси ўқув муассасалари, 13204 таси эса аҳоли кўп тўпланадиган жойларда уюштирилганини таъкидлаш лозим.

— Ана шундай тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида қондабузарликлар сони камайишига эришилди, — дейди ИИВ ИХХББ инспектори, милиция капитани Акмал Юнусов. — Тадбир давомидаги рейдларда эса 142387 та қондабузарлик ҳолатлари аниқланди. Шу-

лардан 454 таси меҳнат жамоалари, 664 таси маҳалаларда муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Бундан ташқари, болалар томонидан содир этилган 2122 та қондабузарликдан 304 таси ўқув муассасаларида апрофича муҳокама қилинди.

Ҳўп, бундай муҳокама-лардан қандай мақсад кўзда тутилди?

Халқимизда касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, деган нақл бор. Демак, қондабузарликларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаш жараёнида бошқалар ҳам унинг оқибатларидан бохабар бўладилар. Бу эса айни пайтда ота-оналар, мураббийлар зиммасидаги масъулиятни ошириб, болаларда хавфсизлик кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Шу ўринда ойлик давомида тегишли ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 5124 км. автотомобиль йўллари кўриқдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан 259 та тақдимома, 352 та таклиф киритилгани, 731 та янги йўл белгилари ўрнати-

либ, 3739 та эскирган йўл белгилари алмаштирилганини қайд этиш лозим.

Тадбир самарадорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида жами 3280 та чиқиш қилинди. Жумладан, 380 та телекўрсатув, 2535 та радио-эшиттириш эфирга узатилиб, газета ва журналларда 365 та мақола чоп этилди.

Тадбирда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» якунланган бўлса-да, Ички ишлар идоралари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар қучайтирилган тартибда давом эттириляётгани ҳам таъкидланди. Чунки йўлларимизда ҳамон йўл-транспорт ҳодисалари рўй бермоқда. Уларнинг олдини олиш учун эса одамлар он-ида йўл ҳаракати қондаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш тушунчасини шакллантириш даркор. Зеро, ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёдами, ўзи ва апрофидатилар хавфсизлигини таъминлашга масъул эканини унутмасин.

Қўлайлик

ЭЛЕКТРОН САВДОНИНГ МОБИЛЬ ВОСИТАСИ

Мамлакатимизда пул муомаласи, хусусан, нонақд шаклда ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, банкдан ташқари маблағлар айланмасини қисқартириш мақсадида электрон тўловларни амалга ошириш ва мобиль банкинг амалиётини қўллаш асосида хизмат кўрсатишда ҳам қўлай шартлар яратилди. Бу борада 2011 йилдан бундан фаолият юритаётган «CLICK» МЧЖ компанияси салмоқли натижаларга эришяпти.

Компанияда жисмоний шахсларга воситачилик ҳақсиз бевоқифа мобиль телефонлар кўмагида «*880#» рақамини терган ҳолда ёки my.click.uz интернет сайти орқали банкдаги ўз ҳисобварақлари, шунингдек, он-лайн карточкаларини бошқариш имкониятини берувчи CLICK мобиль ва интернет-банкнинг хизмати йўлга қўйилди. Бу эса кундалик тўловларни амалга ошириш, қўлай тарзда харидлар уюштиришда ҳам қўл келяпти. Бундай қўлайликлардан фойдаланувчилар 65 мингтага етгани ҳам маънур тизимнинг тобора оммавийлашаётганини кўрсатади. Яқинда компания ўз мижозларига «Market» савдо майдончаси ёрдамида зарур товар ва хизматларни танлаш, етказиб берувчилар ҳақида маълумот олиш, телефонда буюртма бериш ва бир вақтнинг ўзида он-лайн пластик карточкалари ёки банкдаги депозит ҳисобварақлари орқали пул тўлаш имконини ҳам яратиб берди. Шу ўринда CLICK тизимига UzCARD, он-лайн пластик карта эгалари улашишлари мумкинлигини қайд этиш жоиз. Бунинг учун, энг аввало, мобиль телефон рақамига банккомат ёки ахборот киоски орқали «СМС-хабарнома» хизмати улатишининг ўзи kifоя.

Д.ҲАБИБОВА тайёрлади.

Бир ҳовуч дур

«Деҳқон эрталаб туриб, ишга бормайдиган одамлар тоифасига қиради. Чунки, у иш жойида уйғонади».

Э. Маккензи.

АНГИЛИК ВА АХБОРОТЛАР БИЛАН
ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ХАМ
ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН: WWW.21ASR.UZ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

«Катта» бизнес

Кўп пул тўплаш жасорат, уларни сақлаб қолиш маҳорат, оқилона сарфлаш санъат ҳисобланганидек, тадбиркор ҳар учала ҳислатнинг эгаси бўлиши лозим. Айни пайтда жаҳон тажрибаси ана шу ақиданинг нақадар тўғри эканини яна бир қарра исботламоқда

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Маълумки, бозор иқтисодиёти кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бизнеснинг туб моҳиятида эса кўпроқ фойда, даромад топиш мақсади ётади. Аммо тадбиркорнинг мақсади фақат даромад олиш эмас. Унинг қарашлари янги фикр ва фикрларни излаш, таҳлил қилиш, ўз ташаббускорлиги, яратувчилик қобилиятларини юзага чиқариш орқали муваффақиятга эришишда яққол намоён бўлади.

Манбаларга қараганда, XVIII аср бошида инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон иқтисодиёт назариясига «тадбиркор» тушунчасини киритган. Унинг фикрича, маълум баҳоларда ўзгалар маҳсулотини сотиб олиб, шу ҳисобдан фойда оладиган киши тадбиркор ҳисобланади. Бинобарин таваккалчилик — тадбиркорнинг энг асосий кўрсаткичи, деб баҳоланганлиги эътиборга моликдир.

Ундан кейин француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей тадбиркорга таваккалчилик билан иш бошлаб, қандайдир маҳсулотни ўз фойдаси учун ишлаб чиқарувчи шахс, дея таъриф беради.

Немис олими В.Зомбарнинг эътирофи эътиборга, тадбиркор — бу эркин фикрловчи, таваккалчиликка таянган турли қобилиятга эга, ғояларга бой, шижоатли ва ўз сўзини ўтказадиган, тапқилотчи ва кўччиликнинг бошини қовуштира оладиган фидойи инсондир.

Бугунги кунда тадбиркорлик кўпроқ кичик бизнес соҳасида яққолроқ намоён бўлмоқда. Хусусан, дунё миқёсида ишсизликни қамайтириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида катта куча айланди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида кичик бизнеснинг ташкилий меъёрлари ҳам ўзига хос. Яъни 20-30 киши ишлайдиган жамоа — кичик корхона, 100 нафардан 400 нафаргача бўлса — ўрта корхона, 500 нафардан ортиқ ходим меҳнат қиладигани эса йирик корхона ҳисобланади.

Мисол учун, АҚШда 500 нафаргача ишчи-ҳодимлари бўлган корхоналар кичик бизнес тоифасига киритилади. Германияда ҳам шунга ўхшашроқ. Кичик корхоналарда 80-100 киши меҳнат қилади. Йиллик айланма маблағи 100 млн. еврони ташкил этадиган, 500 нафаргача ходим ишлайдиган жамоалар ўрта корхона ҳисобланади. Голландиядаги кичик

фирмаларда эса ўртача 10-15 нафар, ўрта фирмаларда 100 нафаргача ходим фаолият юритилади. Жанубий Кореяда 20 нафаргача ходими бўлган фирмалар кичик корхона мақомига эгадир.

Жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инқироз кичик бизнесни ривожлантиришни янада долзарб масала сифатида кун тартибига кўйгани бежиз эмас. Маълумки, тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар ҳар қандай давлатнинг таянчи ва суянчи, жамиятнинг устуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу ўринда XX асрнинг 90-йилларида оёкка тура бошлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик турзилмалари бугун ўзининг бардошлилиги билан дунёда

туғилади. Дунё миқёсида негиз кичик бизнес субъектларининг мавқеи тобора ошиб бораётган. Экспертларнинг фикрича, асосини оилавий бизнес ташкил этаётган «яратувчилик тамойили» кичик корхоналар бардавомлигини таъминлаётган бирламчи омилдир. Ҳар қандай тадбиркор кучли рақобат муҳитида яшаб қолиш учун, албатта, ўз маҳсулотининг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратади. Истеъмолчи эҳтиёжини ўрганиш учун одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш ҳам бундай корхона яшовчанлигининг яна бир сиридир.

Бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатлари тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётининг таянчи, унинг эртанги кунини белги-

Айни кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Ваҳолаки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди.

йирик монополиялар ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларини ҳам чипнакка чиқараётганини таъкидлаш жоиз. Тан олиш керак: 90-йилларнинг ўрталарида ҳатто Америкада ҳам камида 20 кишидан иборат иш ўрни яратган кичик тадбиркорлик субъектлари жами янги иш ўринларининг 60 фоизини ташкил этган эди. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 миллион фуқаро иш билан таъминланган бўлса, йирик корпорациялар, аксинча, 3 миллионга иш ўринини қисқартиришга мажбур бўлганлар. 2008 йилда бошланган ва ҳали-ҳануз асоратлари сезилиб турган молиявий инқироз шароитида айнан йирик корхоналар 30 миллион ишчи-хизматчини бўшатгани дунё миқёсида кичик бизнесга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирди. Маълумотларга қараганда, АҚШда ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 40 фоизни ташкил этса, Германияда 2,1 миллионга майда ва ўрта бизнес субъекти ялпи ички маҳсулотнинг учдан икки қисминини ишлаб чиқармоқда. Франциянинг кичик ва ўрта корхоналарида фаолият олиб бораётган 12 миллион ишчининг инвестициялардаги улуши 48, савдо айланмасида 60,2, экспортда эса 49,6 фоизни ташкил этади.

Шу ўринда табиий савол

ловчи асосий омиллардан бири эканлигини англаб етмоқдалар. Ана шу масалаларга жиддий эътибор қаратаётган аксарият мамлакатларда улкан натижаларга эришилаётгани ҳам сир эмас. Бу борада Япония мактаби ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашида ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш борасида «Сифат назорати» тўрақларида таҳсил олан мутахассислар ўрни бекиёс бўлганини мутахассислар ҳамон эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, Япония ва Жанубий Корея каби табиий бойликлари ниҳоятда чеklangан давлатлар учун бу жуда муҳимдир.

Чиндан ҳам жамиятнинг ҳаракатга келтириладиган тадбиркорлик бандлик масаласини ҳал этиш борасида катта имкониятларга эга эканлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаसा керак. Шунингдек, янги технологияларнинг ҳаётга татбиқ этишида ҳам кичик бизнеснинг ўрни бекиёс аҳамиятига эгадир. Инчунун кичик бизнес иқтисодиётни бошқаришнинг ўрнини охирига қолдиришнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлаб турибди. Бозор иқтисодиёти, шахсий ташаббускорлик соҳада янги-янги муваффақиятга йўл очаяптир. Кичик бизнес бугун

кенг жамоатчилик томонидан ўзига хос тадбиркорлик рамзи сифатида эътироф этилаётгани ва уни ривожлантиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Буни мамлакатимиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Тан олиш жоиз: истиқлолни ўтган даври мобайлида соҳада туб ислохотлар амалга оширилди. 2013 йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналарнинг сони 190 мингга етганлиги ҳам диққатга моликдир. Айни кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Ваҳолаки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди.

Эндиликда ишлаб чиқарилаётган жами sanoat маҳсулотларининг 23, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда. Кўриб турибдики, жойларда яратилган қулай шарҳ-шароит туфайли кичик бизнес ўзининг катта имкониятларини тобора тўлароқ намоён этмоқда.

Шубҳасиз, ҳар қандай жамиятда ў ёки бу қатлам ман-

фаатини, хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга интиладиган уюшмалар, сиёсий партиялар фаолият олиб боради. Улар давлатнинг қонунчилик органига ў ёки бу даражада таъсир ўтказадилар, албатта. Чунки тадбиркорликка оид қонунлар бозор ислохотларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу нуқта назардан деярли ҳар бир демократик давлатда улар манфаатини ҳимоялайдиган ташкилот ёки гуруҳлар иш олиб боради. Мисол учун, АҚШда Савдо палатаси тадбиркорлик субъектлари олдидиги биринчи даражали ва зифалар ҳусусида ҳар йили мамлакат назаридан президентга хисобот тайёрлайди. Бу эса тешили қарорлар қабул қилишда омма хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришда қўл келиши ўз-ўзидан маълум.

Бошқа бир қатор мамлакатларда эса ислохотларнинг жадаллашишига кўмаклашиш мақсадида «Мия марказлари» деб номланувчи илмий-тадқиқот муассасалари изланишлар олиб боради. Улар оладат хусусий секторга оид қабул қилинаётган қонунларнинг афзаллик ва камчиликларини назарий жиҳатдан ўрганиб, овоз берилган олдин бу ҳақда депутатларни огоҳ этдилар. Масалан, Доминикан Республикасида 1985 йили ташкил этилган «Иқтисодий йўналиш» маркази ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Германиядаги Саноатчилар бирлашмаси эса тадбиркорларнинг қонунийлик соҳасидаги муаммоларини ечиш ва уларнинг қонун чиқарувчилар билан алоқаларида кўприк вазифасини ўтайди. Умуман олганда, тадбиркорларни бозор ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш баробарида аҳоли онгида ишбилармонларга нисбатан ижобий фикрни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Шу ўринда ғарб олами ва собиқ коммунистик давлатларда тадбиркорликка муносабат яқингача тубдан фарқ қилганини унутмаслик керак. АҚШда тад-

биркорга пул топа олувчи, мутлак пуфзули, фаол ва ишбилармон киши сифатида қарашди. Бу ерда бизнесмен — фахрий ва даромадли касб эгаси сифатида обрў-эътибор қозонган. Бирок айрим мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар жамиятнинг

тадбиркорларга нисбатан салбий муносабати юқори бўлиб қолаётганини ҳам кўрсатмоқда. Лекин, нима бўлганда ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун дунё иқтисодиётини модернизация қилиш, ислохотларни муваффақиятга амал-

га оширишнинг гарови бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир. XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида юз берган молиявий-иқтисодий инқироздан кейин ҳам хусусий сектор иқтисодиётда ўз мавқеини сақлаб қолаётгани бугуннинг амалдори исботидир.



Воқеалар, шарҳлар, далиллар

ДУБАЙГА КИРИШ — 20 ДИРХАМ



Апрель ойидан бошлаб Бирлашган Араб Амирликларининг энг йирик музофоти — Дубайда сайёҳлар учун янги солиқ тури жорий этиладиган бўлди. Маълумотларга кўра, амирликка ташриф буюрган сайёҳлардан ундирилган мазкур солиқ миқдори 7-20 дирхам (2-5,5 АҚШ доллари) атрофида белгиланади. Таҳлилчилар 2 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Дубайга ўтган йили 10 миллионга яқин сайёҳ ташриф буюргани, 2020 йилда эса бу рақам 20 миллионга етишини таъкидлашмоқда. Ўз навбатида шунга ўхшаш солиқ тури дунёнинг Берлин, Рим, Флоренция, Барселона каби бир қатор йирик мегаполисларида ҳам жорий этилганини айтиб ўтиш лозим.

БРАЗИЛИЯНИНГ ЧИРОФИ ЎЧДИ

Ёзда футбол бўйича жаҳон чемпионатида мезбонлик қиладиган Бразилиянинг ўн битта штати электр энергиясиз қолди. ОАВлари куни-кеча тармоқда юзага келган қисқа туташув оқибатида олти миллионга яқин киши қоронғиликда кун кечираётганини маълум қилляпти. Хабарда айтилишича, бу ҳолат, айниқса, мундиалга тайёргарлик ишлари қизғин давом этаётган Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро, Минас-Жерайс, Парана, Риу-Гранди-ду-Сул ҳамда Мату-Гроссу штатларида сезиларли таъсир кўрсатган. Ана шундай оғир вазиятга қарамай, Бразилия энергетика вазири Эдисон Лобаннинг баёнотида бу ҳолат тез орада бартароф этилиши ва мамлакатда электр энергияси билан боғлиқ бундай муаммолар бошқа такрорланмаслиги айтилмоқда.

«SAMSUNG» — ЕТАКЧИ



IDC компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, 2013 йилда дунё бўйича 1 млрд дан ортиқ смартфон сотилган. Бу борада етакчилик қилган «Samsung» компаниясининг смартфонлари дунё бозорининг 31,5 фоизини эгаллаган. Ундан кейинги ўринларни АҚШнинг «Apple», Хитойнинг Huawei ҳамда Lenovo, шунингдек, Жанубий Кореяга қарашли LG компанияси банд этган.

МЕКСИКАЛИК РОБИНЗОН

Мексикалик балиқчилар бир йилдан ортиқ вақт мабайнида океанда сарсон-саргардон бўлиб юрдилар. 2012 йилнинг декабрь ойида акула овлаш мақсадида денгизга чиққан 37 ёшли Хосе Сальвадор Альбаренго ва 15 ёшли Иезикилнинг етти метрли кемаси Мексика қирғоқларидан узоқлашганда қайқининг мотори ишдан чиқди. Оқибатда балиқчилар очiq денгизга, аниқроғи, Тинч океанига чиқиб қолганлар. Альбаренгонинг айтишича, очликка бардош бера олмаган ёш шериги Иезикил тўрт ойдан сўнг вафот этган. У эса қўли билан балиқ ва кичик акулаларни овлаб тирик қолишга муваффақ бўлган. 13 ойдан сўнг эса XXI аср Робинзоннинг кемаси Мексикадан 10 миң километр узоқликдаги Маршалл оролларида бориб қолади. Кўп ўтмай, қирғоқ полицияси уни мамлакат пойтахти Мажуроадаги касалхонага етказди.

ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta
2014 йил учун ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz
Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

СЎНГГИ САҲИФА



ЯНГИЛИК ВА АХБОРОТЛАР БИЛАН
ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ҲАМ
ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН: WWW.21ASR.UZ

«Лисон ут-тайр» — поляк тилида

«Қаро кўзум, келу мардумли энди фан қилгил, Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил»

Ғазал мулкнинг сўтгани Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу мисраларни ўқимаган, тингламаган киши тошмас керак. Зеро, улар ҳар доим вужудимизни ўзгача ҳис-ҳаяжонга тўлдирди. Шундай экан, улуғ мутафаккирнинг келажак авлодларга қолдирган бой маданий-маънавий мероси олдида ҳар қанча таъзим қилсак оз. Польшалик адабиёт ихлосмандлари ҳам шоир ижоди билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Навоийнинг инсонни қомиллик сари етакловчи «Лисон ут-тайр» достони Януш Крзизовский таржумасида поляк тилида нашр этилди. Шубҳасиз, бу буюк мутафаккир таваллуднинг 573 йиллиги олдида унга кўрсатишган ҳурмат ва халқаро эътирофнинг амалдори яна бир ифодасидир.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Янгилик

БЕШ БУРЧАКЛИ МЕВАЛАР ЯРАТИЛДИ

Яқинда япониялик уч нафар фермер антиқа шақлдаги цитрус мева — беш бурчакли ийокан етиштиришга муваффақ бўлди. Маълумотларга кўра, улар бундай натижага ҳар бир меванинг гуралиги пайтида уни ёғоч қолип билан «ураш» орқали эришишган.

Кунчиқар юрт ОАВнинг хабар беришича, ихтирочилар ғайриоддий меваларни кўпайтириш ва уларнинг сотувидан даромад олиш учун эмас, балки Яватама шаҳри университетига кириш имтиҳонларини топширган абитуриентлар буюртмасига биноан, ўзига хос сувенир сифатида етиштирилган. Янги нава «Бокаки по Луока» («Имтиҳонда омад ёр бўлсин») деб ном берилган. Таъкидлаш жоиз: ийокан Японияда истеъмол қилиниши буйича апельсиндан кейинги ўринда турувчи цитрус мева бўлиб, пўсти бироз қалинроқ, мазаси эса апельсиникидан нордонроқдир.

ЖАРОҲАТ БИОРУЧКА ЁРДАМИДА ДАВОЛАНАДИ

Австралиялик олимлар жароҳатлар тез битишини таъминлайдиган ускуна ихтиро қилдилар. Маълумотларга кўра, Вуллонгонг университети тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган 3D биопринтери ёрдамида жароҳатланган жойни дифференциалланмаган (шақланмаган) ҳужайралар ва ҳимояловчи полимерлар аралашмаси билан қоплаш орқали тўқималарни «чоп этиш» имконияти яратилди. «BioPen» деб номланган ускунанинг кўриниши оддий авторучкага эслатади. Унинг ёрдамида жароҳатланган жойга трансплантация қилинган аралашмадаги ҳужайралар секин-аста «тирилади».

Ҳимояловчи полимерлар эса маълум вақт ўтганидан сўнг эриб, кўпая бошлаган ҳужайраларга жой беради. Шу тарихда жароҳат бутунлай битиб кетади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, оддий шифохона шароитида ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган бу муолажа аниқ пайида синондан ўтказилмоқда.

Мадина АЗИЗОВА тайёрлади.

Бир ҳовуч дур

Дўстни кўз эмас, қалб кўзи топади.

Эзгу ишининг муқофоти унинг амалга ошишидадир.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун



Ҳар кун ақтомга ҳажрини менга зорлиг иш,
Кеча тонг отеуча андух ила бедодлиг иш.

Иш вафо қилмоқ эрур гар қила олсангики, эмас
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафқорлиг иш.

Ишқ аро қочма кўнгул хору забунлигдинким,
Отиқ ўланга забунлиг бўлуру хорлиг иш.

Лутфу дилжўли эрур хўб паривашларга,
Эй пари, билки, эмас жавру дилзорлиг иш.

Тақви аҳлига билниса эди чарх авзои,
Айлагайлар эди бу дайрда хамморлиг иш

Олам аҳли, билингизким, иш эмас дупманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш.

Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асраки, бор
Сенга дилдорлиг иш, бизга дилафқорлиг иш.

Олимпиада

«Сочи-2014»да «Андижон полькаси»

Эртага жорий йилнинг дастлабки йирик спорт мусобақаси — XXII Қишки олимпия ўйинларига старт берилади

Шухрат ХУҲАЕВ,
«XXI asr»



23 февралга қалар давом этадиган ушбу нуфузли беллашуларда ўзбекистонлик уч нафар спортчи ҳам қатнашади. Жумладан, Миша Ге «Сочи-2014» мусобақасининг фигурали учини бахсларида иштирок этса, икки спортчимиз — Артём Воронов ҳамда Ксения Григорьева юртимиз шарафини сламом ва гигант слалом (тоғ чангиси спорт тури йўналишлари) бўйича ўтказиладиган беллашуларда химоя қиладилар. Ўзбекистонлик таниқли мутахассис Евгений Рохин эса Олимпиадада шорт-трек (конькида югуриш тури) мусобақалари хаками сифатида тақлиф этилган.

Дунёнинг 90 га яқин давлатидан келган 2800 дан ортиқ спортчи иштирокидаги мазкур ўйинларда ҳамюртларимиз 13, 14, 21 ва 22 февраль кунлари ташкил этиладиган бахсларда совринли ўринлар учун кураш олиб борадилар.

Бундан ташқари, «Сочи-2014» мухлисари мусобақа давомида санъатсевар ўзбек халқига тааллуқли яна бир воқеликка гувоҳ бўлишлари мумкин. Гап шундаки, фигурали учини бўйича Россия терма жамоаси аъзолари — Елена Ильиних ва Никита Кацалапов ўз чиқишларини миллий мусикамиз садолари остида намойиш этадилар. Энг муҳими, бу дуэт

музга ўзбек миллий либосида чиқишни режалаштирган. Хабарларга кўра, бундан бир неча ой олдин Москвада ўтказилган Гран-при турнирида айнан Олимпия ўйинлари учун ишлаб чиқилган дастур билан Ильиних-Кацалапов жуфтлиги совринли ўринларни кўлга киритган. Ана шу дастур учун «Андижон полькаси»га жило бериш йўли билан яратилган шарқона мусика эса Тошкент консерваторияси битирувчиси Эдуард Каландаров томонидан ёзилган.

Гидрометеорология марказидан хабар беришарича, Ўзбекистонга ўтган ҳафтада кириб келган совуқ ҳаво оқими нийҳат чекина бошлади. 6-13 февраль кунлари юртимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиши, қор ёғиб, туман тушиши кутуляпти. Тоғли жойларда қор кўчиши хавфи бор. Шарқий шамолнинг йўналиши ўзгариб, қарбдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 18-23, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 10-15 даража, кундузи эса 5-10 даража совуқ бўлиши кутуляпти. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси 15-20, кундузи 5-10, ҳафта охирига бориб эса кечаси 10-15, кундузи 2-7 даража совуқ бўлиши кутуляпти. Республикаимизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 2-7 даража, ҳафта охирига бориб эса 0-5 даража совуқ бўлиши кутуляпти. Тоғли жойларда кечаси 13-18, кундузи 10-15 даража совуқ бўлади.



Гидрометеорология марказидан хабар беришарича, Ўзбекистонга ўтган ҳафтада кириб келган совуқ ҳаво оқими нийҳат чекина бошлади. 6-13 февраль кунлари юртимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиши, қор ёғиб, туман тушиши кутуляпти. Тоғли жойларда қор кўчиши хавфи бор. Шарқий шамолнинг йўналиши ўзгариб, қарбдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 18-23, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 10-15 даража, кундузи эса 5-10 даража совуқ бўлиши кутуляпти. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси 15-20, кундузи 5-10, ҳафта охирига бориб эса кечаси 10-15, кундузи 2-7 даража совуқ бўлиши кутуляпти. Республикаимизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 2-7 даража, ҳафта охирига бориб эса 0-5 даража совуқ бўлиши кутуляпти. Тоғли жойларда кечаси 13-18, кундузи 10-15 даража совуқ бўлади.

Эълон

Общество с ограниченной ответственностью «BO`STONLIQ SANOAT SAVDO» перерегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Юнусбадского района г.Ташкента за реестровым №0000321 от 03.07.2003 г., ИНН: 302655623 реорганизуется путем присоединения в Общество с ограниченной ответственностью «FLORA-FAYZ BARAKA» (ИНН 302763616). Общество с ограниченной ответственностью «FLORA-FAYZ BARAKA» становится правопреемником по всем обязательствам реорганизуемого Общества с ограниченной ответственностью «Bo`stonliq sanoat savdo» в отношении всех кредиторов и должников. Телефон для информации: (+99890) 185-18-77.

Реклама

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

миллий валютада қўйидаги мuddатли омонат турларини тақлиф этади:

«МУСТАҲКАМ ОИЛА»
Сақланиш мuddати 18 ой бўлиб,
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Сақланиш мuddати 12 ва 18 ой бўлиб,
ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:
«ШОДИЁНА» (АҚШ доллариди)
Сақланиш мuddати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)
Сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банкда 80 дан ортиқ омонат тури жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни банк филиалларидан ёки банк расмий веб-сайтидан (www.asakabank.com) олишингиз мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк —

сармоянгишнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.



TADBIRKORLAR VA ISHVIKARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темура АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАҲАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХУҲАЕВ, Марк ЮСУПОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибиёт — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНВИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru «XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. БОШИ МУҲАРРИР: Мироди Абдураҳмонов.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Бурчлма рақами: 9129 Тираж: 21989
Баҳоси келишилган нарҳда.
Тошхирлиди — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406



Навбатчилар: О.РАҲАБОВ, А.МУЗАФФАРОВ.